

Ҳатайда 118 масжид қайта қурилди



16:08 / 08 февраль 696

2023 йил 6 феврал куни Туркиянинг Ҳатай вилоятидаги zilzilalar оқибатида 1107 та масжиддан 384 таси яроқсиз ҳолга [келган эди](#). Офатдан сўнг бошланган кенг кўламли қайта тиклаш ишлари натижасида бугунга қадар 118 та янги масжид қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Туркия Диёнат ишлари бошқармаси (Diyanet İşleri Başkanlığı) ҳамда саховатпеша хайриячилар кўмагида Ҳатайда 118 та янги масжид қад ростлади, 134 та шикастланган масжидлар тўлиқ таъмирланиб, ибодат учун қайта очилди, 48 та Қуръон курси биноси қурилди, 12 та Диёнат ёшлар маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда яна 50 та масжиднинг қурилиш ишлари давом этмоқда.

Ҳатай волийси Мустафо Масатли Президент Ражаб Тоййиб Эрдўғон раҳбарлигида олиб борилаётган «қайта қуриш ва тиклаш сафарбарлиги» ҳақида тўхталар экан, фақат уй-жой эмас, балки аҳолининг маънавий эҳтиёжларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Волий ўз нутқида шундай деди: «Бу масканлар шунчаки бино эмас, балки бирдамлик ва жамият матонатининг тимсолидир. Масжидларда яна жамоат бўлиб саф тортилиши, Қуръон курсларида илм ўрганилиши — Ҳатайда ҳаёт ўз изига қайтаётганининг яққол намунаси. Биз нафақат уйлар қурдик, балки иймонимиз ва биродарлигимизни ҳам қайтадан тикладик».

Ҳатай волийси масжидларни тиклашда ҳисса қўшган барча хайриячилар ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдирди.